

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТ ВА ШАХАР
КОМИТЕТЛАРИ, МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ
ОБЛАСТ ВА ШАХАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 141 (632)

18

ИЮЛЬ
ЧОРШАНБА

1956 ЙИЛ

БАҲОСИ
20 ТИНИН

Б У Г У Н Г И С О Н Д А:

СССР Олий Советининг қуролсизланиш тўғрисида дунёдаги барча мамлакатларнинг парламентларига Мурожаати (1-бет).

Япония парламентининг ядро қуролини, яъни атом ва водород қуролини тақиқлаш ҳамда уни синаб кўришни тўхтатиш ҳақидаги мурожаати муносабати билан СССР Олий Советининг Баёноти (1-бет).

Совет Иттифоқи ва Германия Демократик Республикаси ҳукумат делегацияларининг музокаралари (1-бет).

Н. А. Булганин ГДР Бош Министри О. Гротевольни қабул қилди (1-бет).

Областимиз меҳнаткашлари давлат пенсиялари

тўғрисидаги Қонунни қизгин маъқулламоқдалар (1-бет).

СССР Олий Совети депутатларидан бир группасининг сўроғига СССР Ташқи Ишлар Министри Д. Т. Шепиловнинг берган баёноти (2-бет).

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА (2-бет).

Бюрократизм ва сансалорликка хотима берайлик! (3-бет).

Қолумбия ёзувчиси ва жамоат арбоби Бальдомиро Санни Каного «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» Халқаро Сталин мукофоти топширилди (4-бет).

СССР Олий Советининг қуролсизланиш тўғрисида дунёдаги барча мамлакатларнинг парламентларига

МУРОЖААТИ

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлашдан иборат юсак мақсадларга амал қилиб, ҳозирги замоннинг ер юзидagi барча халқларни гоёт ҳаяжонлантираётган ва кечиктириб бўлмайдиган энг муҳим проблемасига — зўр бериб қуролланишни тўхтатиш, қурол-яроғларни қайтариш ва атом ҳамда водород қуролини тақиқлаш проблемасига барча давлатлар халқлари, ҳукуматлари ва парламентларининг эътиборини жалб этишни ўз бурчи деб ҳисоблайди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қуролсизланиш юзасидан бир битимга келиш мақсадида сўнгги ўн йил мобайнида кўрилган тadbирлар, афсуски, шу вақтгача муваффақият қозонмади.

Дунёда зўр бериб қуролланиш, яъни қиргин қуролларини — атом ва водород бомбаларини тобора кўпайтириш давом этмоқда. Миллион-миллион кишилар аввалдагидек ҳозирда ҳам ўз оилаларидан ажралган ҳолда яшашга ва қурол кўтаришга мажбур этилганлар. Буларнинг ҳаммаси халқларнинг зиммасига оғир юк бўлиб тушади, уларни ижодий меҳнатдан четга тортади, уларда ўз истиқболлари учун ишонсизлик туйғуларини ва янги уруш хавфи олдида кўрқувни авж олдирди.

Бундай шароитда, ўз давлатларининг тақдири учун халқлар олдида жавобгар бўлган барча мамлакатлар парламентлари ва ҳукуматларининг муқаддас бурчи — Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг барча манфаатдор давлатлар учун мақбул қарорга кела олишини кутиб турмасдан, зўр бериб қуролланишни тўхтатиш учун амалий тadbирлар қўришдан иборат. Кейинги вақтларда халқлар кескинлигининг юмшаганилиги, тинч-тотув яшаш принциплари асосида мамлакатлар ўртасида дўстона алоқалар ва яхши муносабатларнинг янада ривожланганлиги бунинг учун қулай имконият туғдиради.

Ҳар бир давлатнинг ўз қурол-яроғларини қайтариши яъни қуролсизланиш программасини амалга ошириш шарт-шароитини аъжудга келтирадиган жуда муҳим тadbирдир. Бутун дунёда тинчликни сақлаш ва қўллаб-қувватлаш учун асосий жавобгар бўлган буюк давлатлар бу соҳада алоҳида роль ўйнашлари керак. Жуда катта қуроли кучларга эга бўлган ана шу буюк давлатлар қуроли кучларини ва қурол-яроғларни қайтаришда намуна кўрсатишлари лозим.

Совет Иттифоқи тинчлик ва халқлар ҳавфсизлиги сиёсатини изчиллик билан амалга ошириб, ўз қуроли кучларини, қурол-яроғларини ва ҳарбий эҳтиёжлар учун бўладиган харажатларни қайтаришга киришган. СССР қуролсизланиш тўғрисида умумий битим тузилишини кутмасдан, 1955 йилда ўз қуроли кучларини 640 минг кишига қайтаришдан ташқари, 1957 йилнинг 1 майига ўз қуроли кучларини янгидан, янада кўпроқ миқдорда — 1 миллион 200 минг кишига қайтарилади. Шунга мувофиқ, қурол-яроғлар ва ҳарбий техника, шунингдек Совет Иттифоқининг мудофаа харажатлари ҳам қайтарилади.

Олий Совет Совет ҳукуматининг қуроли кучларини ва қурол-яроғларини қайтариш тўғрисидаги қарорини маъқуллади ва бу қарорни яхши ниятни изҳор қилувчи ҳужжат деб, қуролсизланиш проблемасини амалий суратда ҳал этишни енгиллаштирадиган гоёт муҳим асос деб ҳисоблайди.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети барча давлатларнинг парламентларига мурожаат қилиб, уларни Совет Иттифоқининг бу ташаббусини қараб чиқиш ва қўллаб-қувватлашга ва ўз навбатида зўр бериб қуролланишни тўхтатиш, қуроли кучларини ва қурол-яроғларини қайтариш ва шу билан халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш ишига муносиб ҳисса қўлиши учун амалий тadbирлар кўришга чақиради.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети шунга аминдирки, бошқа давлатларнинг парламентлари ана шу олижаноб мақсадга эришишга қаратилган реал тadbирларни амалга ошириш учун ўзларининг бутун кучларини сафарбар қиладиган бўлсалар, зўр бериб қуролланишни тўхтатиш муваффақият билан тўғалланади.

Москва, Кремль, 1956 йил 16 июль.

Япония парламентининг ядро қуролини, яъни атом ва водород қуролини тақиқлаш ҳамда уни синаб кўришни тўхтатиш ҳақидаги мурожаати муносабати билан СССР Олий Советининг Баёноти

СССР Олий Совети Иттифок Совети ва Миллатлар Совети Ташқи ишлар комитетларининг тақдирини мувофиқ, Япония парламенти Вакиллар палатаси ва Маслаҳатчилар палатасининг 1956 йил февраль ойида қабул қилинган резолюцияларини қараб чиқди. Япония парламентининг атом ва водород бомбалари ишлаб чиқаришни ҳамда уларни қўлланишни тақиқлашга эришишга, шунингдек бу масала юзасидан битим тузилаётган қадар бу қуроли синаб кўришни тўхтатишга эришишга интилаётганлиги бу резолюцияларда ифода этилган.

Зўр бериб қуролланиш давом эттирилатганига ва атом ҳамда водород қуроли тобора кўп синаб кўрилатганига муносабати билан япон халқининг гоёт ташвиш-қайғи-қўрқовини сабаб СССР Олий Советига тавоизлашди.

Совет Иттифоқи атом ва водород қуролини тақиқлашга, яъни бу қуроли ишлаб чиқаришни тўхтатиш ва уни қўлланишни тақиқлаш, ана шу қурол запасларини тўхтатиш ҳамда уни давлатларнинг қурол-яроғлари қаторидан чиқариб ташлаш дунё халқларини қирқинчилик белгиларидан атом уруши хавфидан ҳамда бу қуролдан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ва инсоният учун оғир бўлган оқибатлардан қўтқариш, деб ҳисоблайди.

Шу сабабдан Совет Иттифоқи урушдан кейинги йиллар мобайнида атом қуролини тақиқлаш билан унинг давлатларнинг қурол-яроғлари қаторидан чиқариб ташлаш учун зўр сабот билан ҳаракат қилиб келмоқда ва тегишли тақдирларни Бирлашган Миллатлар Ташкилотига кўп марта тақдим этди. Жумладан, Совет Ҳукуматининг 1955 йил 10 майдаги маълум тақдирини атом ва водород қуролини қўллаш ва ишлаб чиқаришни тақиқлаш ҳамда уни қурол-яроғлар қаторидан чиқариб ташлаш бўйicha тўхтатиш. Ушбу тақдирга Совет Ҳукумати атом ва водород қуролига эга бўлган давлатлар қуролсизланиш программасини амалга оширишда биринчи навбатдаги назоратдан бири сифатида қуролнинг ана шу турларини синаб кўришни тўхтатиш мажбуриятини олинган, деб тақдир қилди.

Совет Иттифокнинг шу йил 27 мартдаги тақдирини, давлатларнинг, қуролсизланиш проблемасига доир бошқа масалалар юзасидан битимга келишдан қатъий назар, терморяд қуролини синаб кўришни дарҳол тўхтатиш тўғрисида бир битимга келишлари ҳам кўзда тутилди.

Афсуски, бу тақдирлар ҳали тегишича қувватлангани йўқ ва терморяд қуролини синаб кўришни тўхтатиш тўғрисидаги масала ҳали ҳал этилган эмас.

Аммо буларнинг ҳаммаси атом қуролини бутунлай тақиқлаш ва бу йўлда биринчи қадам сифатида терморяд қуролини синаб кўришни дарҳол тўхтатиш учун Совет Иттифоқи олиб бораётган курашни тўхтата олмайди.

СССР Олий Совети ана шу жуда муҳим масалада Совет Иттифоқи халқларининг фикри Япония халқининг фикри билан бир хил эканлигини мамнуният билан таъкидлайди ва бошқа давлатларнинг парламентлари Совет Иттифоқи билан Япония билан бу олижаноб ишга тутган позициясини актив суратда қўллаб-қувватлайдилар, деб умид қилади.

Москва, Кремль, 1956 йил 16 июль.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ ВА ГЕРМАНИЯ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТ ДЕЛЕГАЦИЯЛАРИНИНГ МУЗОКАРАЛАРИ

16 июлда Кремлда Совет Иттифоқи ва Германия Демократик Республикаси Ҳукумат делегацияларининг музокаралари бошланди. ГДР Ҳукумат делегациясини СССР Ҳукуматининг тақдирини мувофиқ Москвага келган эди.

Музокарада Совет Иттифоқи томонидан СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганин, КПСС Марказий Комитетининг Биринчи Секретари ва СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси Н. С. Хрущев, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари В. М. Молотов ва М. Г. Первухин, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Г. М. Маленков, СССР Мудофаа Министри Г. К. Жуков, СССР Ташқи ишлар министри Д. Т. Шепилов, КПСС Марказий Комитетининг секретари Л. И. Брежнев ва СССРнинг Германия Демократик Республикасидаги Фахшудда ва Мухтор Элчиси Г. М. Пушкин қатнашмоқдалар.

Музокарада Германия Демократик Республикаси томонидан ГДР Бош министри О. Гротеволь, ГДСП Марказий комитетининг биринчи секретари ва Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари В. Ульбрихт, Министрлар Совети Раисининг ўринбосари ва Миллий муҳофаа министри В. Штоф, Министрлар Совети Раисининг ўринбосари ва Сановат ҳамда транспорт масалалари билан шугullanувчи Комиссиянинг раҳбари Ф. Зельман, Министрлар Совети Раисининг ўринбосари О. Нухке, Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Г. Лох, Министрлар Совети Раисининг ўринбосари ва Қишлоқ ҳўжалик масалалари билан шугullanувчи Комиссиянинг раҳбари Н. Шольц, Министрлар Совети Раисининг ўринбосари ва Ташқи ишлар министри Л. Болдц ҳамда ГДРнинг СССРдаги Фахшудда ва Мухтор Элчиси И. Кенг қатнашмоқдалар.

Музокарада совет томонидан СССР Госпланининг раиси Н. К. Байбаков, Ташқи савдо министри И. Г. Кабанов, Иқтисодий алоқа ишлари Бош бошқармасининг бошлиғи К. И. Ковалёв, СССР Давлат иқтисодий комиссиясини Раисининг Биринчи ўринбосари П. В. Никитин, СССР Ташқи ишлар министрининг ўринбосари В. С. Семенов, СССР Молия министрининг ўринбосари А. А. Носков, СССР Ташқи Ишлар Министрининг Кооперациясининг аъзоси Л. Ф. Ильяков, СССР Ташқи Ишлар Министрининг 3-Европа бўлимининг мудири С. Г. Лапун ҳозир бўлдилар.

Музокарада бошланган чоғда ГДР Бош министри О. Гротеволь баёнот берди. О. Гротеволь бу баёнотида Совет Ҳукумати билан музокаралар олиб бориш учун Москвага келишга тақдир қилинган учун СССР Ҳукуматига ташаккур изҳор қилди. У халқаро вазиятга умумий обзор берди, Германия Демократик Республикасидаги сиёсий ва иқтисодий ҳўрол тўғрисидаги масалани, шунингдек Германиянинг тинч ва демократик асосларда қайтадан бирлаштирилиш тўғрисидаги масалани ёритиб берди.

Шундан кейин СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганин ва КПСС Марказий Комитетининг Биринчи Секретари ва СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси Н. С. Хрущев баёнот бердилар. Улар Совет Иттифоқи ва Германия Демократик Республикаси Ҳукумат делегацияларининг музокаралари иккала давлат ўртасидаги қарошларга муносабатларини янада мустаҳкамлайди, деб ишонч билдиридилар.

ГДР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари О. Нухке, Г. Лох, Ф. Зельман, П. Шольц ва В. Ульбрихт ҳам баёнот бердилар.

Самимият, дўстлик ва тўла ҳамжиҳатлик вазиётида ўтган музокаралар вақтида СССР билан ГДР ўртасидаги сиёсий ва иқтисодий ҳамкорлигини янада кенгайтириш масалалари юзасидан ҳам, ҳар иккала мамлакатни қизиқтиратган баъзи умумий халқаро масалалар юзасидан ҳам кенг фикр олиниди.

Музокараларнинг қатнашчилари фикр олишувини 1956 йил 17 июлда давом эттиришга қарор бердилар. (ТАСС).

Н. А. БУЛГАНИН ГДР БОШ МИНИСТРИ О. ГРОТЕВОЛЬНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганин Германия Демократик Республикасининг Ҳукумат делегациясига бош бўлиб Москвага келган ГДР Бош Министри Отто Гротевольни 16 июлда қабул қилди.

Қабул вақтида СССР Ташқи ишлар министри Д. Т. Шепилов ҳозир бўлди. (ТАСС).

Областимиз меҳнаткашлари давлат пенсиялари тўғрисидаги Қонунни қизгин маъқулламоқдалар

Тошкент темирйўлчиларининг сўзи

Тошкент теңгавоз депосининг коллективини давлат пенсиялари ҳақидаги масалани СССР Олий Совети сессиясида муҳокама қилинишини зўр қизиқиш билан кузатиб борди. СССР Олий Совети томонидан қабул қилинган Давлат пенсиялари ҳақидаги Қонунни барча ишчилар, инженер-техник ходимлар қизгин маъқулламоқдалар. Теңгавоз машинисти Дехдон Султонов янги Қонун билан танишиб чиққан, қуйидагиларни айтди:

— Давлат пенсиялари ҳақидаги янги Қонун жонжон Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг мамлакатимиз меҳнаткашлари тўғрисида қилаётган оталарча ғамхўрлигининг ёркин далилидир. Қонун проекти умумхалқ муҳокамасига қўйилди, СССР Олий Совети меҳнаткашларининг истақларини ҳисобга олди.

Совет кишилари,—дейди Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, дондор машинист Василий Немудров,—Давлат пенсиялари тўғрисидаги Қонуннинг қабул қилинишига жавобан янада умумий ишлайдилар. Бу тарихий ҳужжат ҳар бир совет кишисига Совет давлати билан ҳақли равишда фахрланар ҳиссини уйғотади.

С. НЕСТЕРОВ.

Иш суръатини оширмоқдалар

СССР Олий Совети сессиясида қабул қилинган Давлат пенсиялари ҳақидаги Қонунни барча совет кишилари билан бир қаторда Тошкент «Пластокок» заводининг коллективини ҳам зўр хурсандчилик билан кутиб олди. Бу тарихий ҳужжат ҳар бир ишчиларига қизиқиш билан ўрганилмоқда. Пластокок цехининг кеска ишчиси ўртоқ Е. Кашеева Қонун билан танишиб чиққан, бундай деди:

— Бизнинг давлатимиз дунёдаги энг инсонпарвар давлатдир. Менинг ёшим 55 да. Кўп вақтдан бери шу корхонада ишлаб келмоқдам. 1954 йилда инвалдликка чиқдим ва менга пенсия тайинландилар. Янги қонун бўйича пенсия сифатида олаётган пулим анча ошди. Бу ғамхўрликка жавобан янада умумийроқ ишлайман.

Корхонанинг бошқа цехларида ҳам ишчилар ва хизматчилар партия ва ҳукуматимизга ўзларининг миннатдорчиликларини билдиришмоқдалар ва янги қонунга жавобан иш суръатини тобора оширмоқдалар.

М. САИДОВА,
Д. АНОПОВА.

Умумхалқ ташаккури

Тошкент тўқимачилик комбинатининг кўп минг кишилик коллективини СССР Олий Совети бешинчи сессиясининг материалларини гоёт қизиқиб ўрганимоқда. Давлат пенсиялари тўғрисидаги Қонун тўқимачилар томонидан айдиллик билан маъқуллаб кутиб олинди.

— Заманида ҳар бир совет оиласида катта шод-хўррамлиқ,—дейди ўз ўртоқлари орасида мастер ерданчиси Зоҳир Толипов.—Давлат пенсиялари тўғрисидаги Қонун уйлариимизга кўп қувонч келтирди. Биз жуда яхши тушунамизки, пенсия ишчининг яхшиланганини қўшмача маблағлар чиқаришни талаб этади. Шунинг учун биз янги Қонунни табриқлашимиз билан бирга, меҳнат соҳасидаги муваффақиятларимизни кўпайтириш, КПСС XX съездининг халқга топширилган муратидан илгари бажариш учун бор кўчимизни сарфлаш мажбуриятини оламиз.

Татьяна Евдокимова Васильева сўхбатга қўшилди. У 58 ёшда. Шундан 43 йил давомида мамлакат тўқимачилик корхоналарида ишлаган. Меҳнат ветерани пенсия олиб турса ҳам, ўз севган ишини давом

этирмоқда. Татьяна Евдокимова тўқимачилик соҳасидаги бой тақрибасини ва билиминини ёш ишчиларга ўргатмоқда. Ўртоқ Васильева янги Қонун тўғрисида ўз фикрини айтиб бундай деди:

— Бу ҳужжат менни чин қалбимдан қувонтирди. Ёзилмада мен анча кўп пенсия оламан, бу пенсия менинг турмушимни тўла таъминлайди. Аёллар тўғрисидаги жонкуярлик мени гоёт мамну қилди. Совет ҳукумати халқнинг овозига қулоқ солиб, биз ишчи аёлларга пенсия олиш учун қўшмача имтиёзларни қўла тутиди. Мен жонжон партияимизга ва Совет ҳукуматига қарайилган турмушимни таъминлаб бераётганларини учун оналарча миннатдорчилигимни ифода қиламан.

Тошкент тўқимачилик комбинатининг коллективини СССР Олий Совети сессиясининг ишчи меҳнатда янги муваффақият билан нишонлади. Сессия давом этиб турган кунлар ичида пландан ташқари ўн беш миң метрга яқин таълама ва кўп миқдорда иш тайёрланди. Қўшмача маҳсулотнинг ҳаммаси тасваланган хомаҳбадан ишлаб чиқарилди. (ЎзТАГ).

„Нучимизга-куч, ғайратимизга-ғайрат қўшди“

Шу кунларда завод цехларида иш қар қанонидан ҳам қизгин бормоқда. Ҳар бир ходим—оддий ишчида тоғтиб то устасига боғлашга—алоҳида ғайрат ва ташаббус кўрсатиб ишламоқда. Ҳаммада зўр кўтариш руҳи. СССР Олий Совети томонидан қабул қилинган давлат пенсиялари ҳақидаги Қонунни ишчилар зўр ифтихор ва фахрланар ҳисси билан тилга олмоқдалар.

— Революциядан илгариги даврларда,—дейди 64 ёшли ишчи ўртоқ С. Тарлаев,—биздек кескаларни ишдан ҳайдаб юборар эдилар. СССР Олий Совети мен каби кеска ишчиларга қарган вақтда яхши шартно иротаб бориш ҳақидаги масалани бир неча кун қизгин муҳокама қилди. Шунинг натижасида давлат пенсиялари ҳақида Қонун қабул қилинди. Бу Қонун Совет Ҳукуматининг олий кишилар ҳақида қилаётган ғамхўрлигининг янги далилидир. У кучимизга-куч, ғайратимизга-ғайрат қўшди.

Тошкентдаги республика Алоқа министрига қарашли 25-завод коллективини давлат пенсиялари ҳақидаги Қонунни зўр қўтариш руҳ билан кутиб олди. Атихир кўтарган цех ва участкаларда бу тарихий ҳужжат ҳақида сўхбатлар ўтказмоқдалар. Бу сўхбатлар вақтида ишчилар янада яхшироқ ва умумийроқ ишлашга аҳд қилмоқдалар.

З. МУХАММАДЖОНОВ.

Миннатдорман

Ҳукуматимиз КПСС XX съезди қарорларини амалга ошираётган, меҳнаткашларнинг моддий ва маданий даражасини янада яхшилашга қаратилган қатор тadbирларни амалга оширди. СССР Олий Советининг Давлат пенсиялари ҳақидаги янги Қонунни шундай тadbирлардан биридир.

Мен 1892 йилда туғилганман. Иш стажим ҳам пенсия олиш ҳуқуқи талабларига тўла жавоб беради. Лекин мен, пенсия олган билан чегараланиб, ишнинг тўхтатишга эмасман. Агар шу пайтгача кундалик ишлаб чиқариш планини 130—150 процент бажариб келган бўлсам, бундан бугун топшириқни 150—170 процентга етказиб бажаришга ҳаракат қиламан.

Мен барча совет кишилари қатори партия ва ҳукуматимизнинг бу тadbирларидан гоёт миннатдорман.

А. ТАМОХИН.

«Таштестмаш» заводи қувоғи цехининг сессияси.

Ҷўта Чирчиқ районидagi Ворониллов номли колхознинг тажрибали суғириш
Тўғчи Турсунбоев ғўзаларини сифатли суғиришда барчага намуна бўлмақда.
У нормадagi 1,5 ўринга қунда 3 гектар ердаги ғўзаларни
суғирмоқда. **Сўратларда:** ўрқоқ Т. Турсунбоев иш устидa. Шу колхозда
хизмат қилмаган илгори универсалларини ўрқоқ Қайом Холматов ғўзаларини
сифатли суғиришда қўлланадиган қилмоқда. (Донрада) универсалларни ўрқоқ Қ. Хол-
матов.

В. Сироткин ва И. Гауберзон фотолари.

КОЛУМБИЯ ЁЗУВЧИСИ ВА ЖАМОАТ АРБОБИ БАЛЬДОМИРО САНИН КАНОГА «ХАЛҚЛАР УРТАСИДА ТИНЧЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН» ХАЛҚАРО СТАЛИН МУНОФОТИ ТОПШИРИЛДИ

БУЭНОС-АЙРЕС, 16 июль (ТАСС). Яқинда Колумбиянинг Поппан шаҳрида Колумбиялик машҳур ёзувчи ва жамоат арбоби, тинчлик ишларининг оқоли Курасио Баальдиомиро Сантин Каного «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» Халқаро Сталин мунофоти топирилди.

Сантин Каного мунофот топирилган вақтда Колумбия демократик ташкилотларининг раҳбарлари, маданият ва санъат арбоблари ҳозир бўлишди.

Колумбия шоири Луис Вилалес «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» Халқаро Сталин мунофоти топирилган комитет номидан мунофотни топириб, даражасини саноий таърифлади, унинг тинчлик учун халқлар ўртасида ҳамкорлик учун олиб бориладиган курашдаги гоят қатъий фаолиятини таърифлади.

Бальдиомиро Сантин Каного жавоб нутқи сўзлади.

БЕЛГИЯ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

БРЮССЕЛЬ, 16 июль (ТАСС). Кеча Брюсселда Белгия Коммунистик партияси Марказий комитетининг пленуми бўлди. Пленум Белгия Коммунистик партияси делегациясининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси раҳбар арбоблари билан бўлган суҳбати тўғрисида Марказий комитет секретари З. Бюрнелнинг докладини тингладан ва муҳокама қилди.

МИСР АТОМ ЭНЕРГИЯСИДАН ФОЙДАЛАНИШ ТУҒРИСИДАГИ АМЕРИКА ПРОГРАММАСИНИ РАД ЭТДИ

ҚОҲИРА, 16 июль (ТАСС). «Алжумхурия» газетасининг ёшчи, Миср Американинг «атом тинчлик хизматида» деб атаётган программада қатнашиш тўғрисидаги таълифни рад этган. «Миср ҳукумати», дейилади хабарда, «шунинг учун Америка программасида қатнашишни беш тўртта, Америка таълифи муайян шартларни ўртага қўлади».

Газета Миср ҳукумати атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш йилида ҳамкорлик қилиш тўғрисида яқинда Совет Иттифоқи билан битим имзолади, деб эълан қилди.



Чехословакия республикасидаги Велке Павловиче давлат хўжалиги. Суратда: тракторчи Йозеф Омаста ва унинг ерданчи макмажхорини култивация қилаётир.

Несвадба фотоси. Чехословакия телеграф агентлиги.

ВРАЧ МАСЛАҲАТИ

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати томонидан ҳақнинг модий аҳволи ва маданий даражасини яхшилаш учун қилинган донишмандлик тўғрисидаги совет ҳокимияти йилларида сиз касаллиги ва ундан ноҳуд бўлиш кескин равишда таъминлади. Силга қарши анги-яги дори-дармонлар ишлаб чиқаришда; сиз касаллигини даволаш ва унинг олдини олишда энг яхши усуллар кенг қўлланилмоқда. Совет меҳнатчи ходимларининг пайвастаги муҳим вазифаси сиз касаллигини тамомлаш йўлдошини йоратди. Иагари, сиз насдан-насан ўтадиган касаллик деб ҳисобланарди. Батан бир буржуа реакцияон олимлари ҳозир ҳам силнинг юқимиди асосий йўллардан бири унинг насдан-насан ўтишидир, деб ҳисоблайдилар. Улар бу назария билан сиз касаллигининг соқил аҳамиятини инкор этмоқчи бўлишди.

Сиз касаллигининг тарқалиши ҳақидаги бундай ирелй назариянинг тамомлаш нотўғри эканлиги ҳозир алми-тештирилган билан тўла ҳисоб қилинган. Маълумки, сиз касаллигини чақалоқ болага, у туғилганча эмас, балки туғилгандан кейин, касал ондан юқishi мумкин.

Шундай қилиб, касаллигининг тарқалишига асосий манба бемор ҳисобланади. Силга қарши қандай оғирдан, чуноччи, ўпкаларда, суякларда, ҳиққаларда, бўғимларда, терида, безларда, миёда-ларда, бўйракларда, ичакда ва бошқа оғирларда бўлиши мумкин.

Шундан энг кўпи, тахминан 90 процент ўпка силга тўғри келади. Силни пайдо қилувчи микроблар ёки сиз таёбчалари одам организмига нафас йўли орқали кирилади. Сил билан оғирган беморлар ерга тўқилганда сиз таёбчалари чанг-тўзон билан учиб турган нарсаларга ва овқатга тушибди мумкин. Бундай овқат истеом қилинганда ҳалиги сиз таёбчалари овқат билан бирга меъда-ичакларга тушади ва сиз касаллигини пайдо бўлиши мумкин.

Сил касаллигининг бошланғичи, қўш

ВЬЕТНАМ ТУҒРИСИДАГИ ЖЕНЕВА БИТИМЛАРИ БАЖАРИЛИШИ ЛОЗИМ

ВДР ҳукуматининг нотаси

ХАНОЙ, 16 июль (ТАСС). Вьетнам иформация агентлиги хабар беради: 13 июль Вьетнам Демократик Республикасининг беш министри ва таъки ишлар министри Фам Ван Донг Хинди—Хитой юзасидан 1954 йилда бўлиб ўтган Женева кенгашининг икки рансига нота юбориб, улардан Шимолий ва Жанубий Вьетнам ҳукуматлари ўртасида консултация конференцияни ўтказиш ва Вьетнамда умумий эркин сайловни ташкил қилиш учун ҳамма зарур чораларни кўришни сўради.

Нотда айтилишича, Вьетнам Демократик Республикаси ҳукумати умумий эркин сайловни ўтказиш масаласини муҳокама қилиш мақсадида консултация конференцияни бошланғич бир неча марта ташкил қилишга ҳакам. Жанубий Вьетнам матбуурлари бу тақлифларни «этиборга олмадилар. Улар Женева битимларига қарши эканлигини очикдан-очик айтдилар ва бу битимларнинг гоят муҳим шартларини бажаришдан бош тортдилар.

Женева битимларига мувофиқ, дейилади нотда, Вьетнам бирлаштириш мақсадида умумий эркин сайлов 1956 йил июль ойида ўтказилиши лозим эди. Бу муддат келди. Бироқ жанубий Вьетнам матбуурлари иккала зона ўртасида консултациялар ўтказишдан бош тортмоқдалар шу билан сайлов ўтказилишига қаршилик қилмоқдалар. Шундай қилиб, Женева битимларини бажаришга жиддий равишда саботажлик қилинмоқда. Иккала

раёнинг таъминномалари бажарилмади. Вьетнамда тинчлик ҳавф остида қолди. Жанубий Вьетнам матбуурлари юз берган ҳозирги аҳвол учун тўла жавобгар бўлишлари лозим. Франция ҳукумати ҳам, Женева битимларига ва иккала раёнинг таъминномаларига мувофиқ, бундай аҳвол учун жавобгар бўлмоғи лозим.

Фам Ван Донг уқтириб ўтадики, Жанубий Вьетнам матбуурлари Женева битимларининг бажарилиши учун бу битимларга қўзда тутилган умумий сайловнинг ўтказилиши учун жавобгардирлар.

Бутун Вьетнам халқи, дейилади нотанинг охирида, ўзи мамлакатининг умумий эркин сайлов йўли билан бирлаштирилиши ва Вьетнам халқининг Женева битимларига эътироф қилинган қонуний орзулари ва миллий ҳуқуқлари ҳурмат қилиниши талаб этади. Вьетнам қайтадан қўшмақсадан туриб, Вьетнамда ва Шарқий-Жанубий Осиёда тинчлик мустаҳкамлашиш мумкин эмас.

Вьетнам Демократик Республикаси ҳукумати Женева кенгашининг иккала раёндан Шимолий ва Жанубий Вьетнам ҳукуматлари ўртасида консултация конференция ўтказилиши учун, бутун мамлакатда умумий эркин сайлов ўтказилиши учун, Вьетнамда тинчлик мустаҳкамлашиши ва Женева битимларининг ҳурмат қилиниши ҳамда тўла бажарилиши учун ҳамма чораларни кўришни сўради.

АВСТРИЯ СОЦИАЛИСТИК ИШЧИ ПАРТИЯСИНИ КОМПАТИЯ БИЛАН БИРЛАШТИРИШ ТУҒРИСИДА ҚАРОР

ВЕНА, 16 июль (ТАСС). Кеча Австрия социалистик ишчи партияси (сўл социалистларнинг) фақуллода сўзди бўлди. Сўзда бу партияни Австрия Коммунистик партияси билан бирлаштириш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Социалистик ишчи партиясининг раиси Эрвин Шарф бу қарор тўғрисида баёнот қилди. У Австрияда сўл социалистик ҳаракатни ривожлантириш учун янги вазият вужудга келганини айтди.

Австрия халқ партиясининг докхиятга бўлган даъволари, деги у, меҳнатчиларнинг умумий манфаатларини ҳимоя қилмоқ учун ишчилар синфини жипслатиришни талаб қилди. Шарф уқтириб

ўтидики, КПСС XX съезди ишчи партияларнинг ҳамкорлиги учун янги перспективалар очиб берди. «Халқаро мийқосда», — деди Шарф, — ишчи партияларнинг ҳамкорлиги ҳақида КПСС ташаббус кўрсатмоқда; Австрияда АКН ташаббус кўрсатмоғи лозим».

Австрия Коммунистик партияси, деги ўз сўзини давом эттириб Шарф, социализмга олиб борадиган янги миллий йўлни қидирмоқда ва шу сабабдан сўл социалистлар коммунистлар билан ҳамкорлик қилиши ўз вазибалари ва ўз бурчалари деб ҳисобламоқдалар. Ҳозирги вақтда сийбий жиҳатдан коммунистлар билан социалистларни бир-бирларидан ажратадиган ҳеч нарсас йўқ.



Польша Халқ Республикасининг халқаро савдо алоқаси йилдан-йилга ривожланимоқда. Яқинда Норвегия Польшадан 500 та «Варшава» маркали енгил автомашина сотиб олди. Суратда: Гдиня портиндан Норвегияга машиналарни жўнатиш пайти.

Уллевский фотоси. Польша Марказий фотоагентлиги.

Осиё мамлакатлари энергетикаларининг делегацияси Тошкентдан жўнаб кетди

БМТ Осиё ва Узоқ Шарқ Иқтисодий комиссиясининг Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган энергетикалар делегацияси 17 июльда Ўзбекистон пойтахтидан Бокуга учиб кетди.

Ҳиндистон, Покистон, Таиланд, Индонезия ва Япония мутахассислари электростанциялар қуриш ва уларни ишлатиш тажрибаси билан танишдилар, бир қанча ГЭСларни бориб кўришди.

«Ўзбекэнерго» раҳбарлиги меҳмонлар шарафига қабул маросими ўтказди. Қабул маросими дўстлик ва ҳамжиҳатлик вазиятида ўтди.

Делегация аъзоси Дебатараджа жаноблари (Индонезия) ўз таассуротларини сўзлаб, ЎзТАГ мухбирига бундай дейди.

— Ўзбекистонда сув ресурсларидан энергетика ва сугорилиш учун комплекс равишда фойдаланилаётганлиги менда қатъия таъсирот қолдирди. Биз, бир вақтлар дашт биёбон бўлган ерлар, ирригация яхши ривожланганлиги туфайли яшнаб турган воқияларга айланганлигини кўрдик.

— Ўзбекистон электростанцияларида биз билан учрашган инженерлар ва техниклар ўз ишларини жуда яхши биладилар, бутун куч-қувватларини ва билимларини ана шу ишга бағишмоқдалар, — деди ўз сўзини давом эттириб Дебатараджа жаноблари. — Биз улар билан алоқа боғлашганимиздан хурсандимиз. Ҳар биримиз жуда ёқимли эсдаликлар билан Тошкентдан жўнаб кетмоқдамиз. (ЎзТАГ).

«Ҳиндустан стандарт» газетаси редактори А. К. Гупта-нинг Ўзбекистонда бўлиши

«Ҳиндустан стандарт» газетасининг редактори А. К. Гупта Ўзбекистонда бир неча кун меҳмон бўлди. У республика пойтахти меҳнаткашларининг яхши билан таниди. Самарқандда бори, Оражониккида районини Сталин номи колхозда бўлди. А. К. Гупта «Қизил Ўзбекистон» газетаси редакциясида Тошкент матбуот хоналари билан учрашди.

Ҳинд журналисти Ўзбекистондан жўнаб кетиш олдида ЎзТАГ мухбирига матбуот учун қуйидаги баёнотни қилди.

— Менда Ўзбекистонни кўриш истаги аллақачондан бери бор эди. — деди А. К. Гупта. — Бу истагим рўйга чиққанлигидан жуда хурсандим. Жуда қадимги вақтлардан бери мамлакатларимиз ўртасида яқин алоқа бўлган. Урта Осиёда чор самодержавиясининг ва Ҳиндистонда Британия мугамлакачилигининг ҳуқуқдорлик қилганини шунга сабаб бўлдики, ана шу қадимги алоқа бўшашиш қолди ва қардошлар бир-бирини унутиб қолди. Лекин эндиликда, Совет Иттифоқида социалистик тузум таъинлаш қилган ва Ҳиндистон мустақиллиги олган бир вақтда халқларимиз яна бир-бирлари билан алоқа қилиб туриш имкониятига эга бўлишди. Ҳеч шубҳа йўқки, бу алоқа инсоният манфаатларини кўлаб мустаҳкамлашда ва ривожлантиришда боради.

Ўзбекистонда қисқа вақт бўлганимга қарамай, — деди сўнгра А. К. Гупта, — мен кўп нарсаларни кўрдим. Республиканинг да саноатини, қишлоқ хўжалигини ва маданиятини ривожлантиришда аришланган гоят қатъий муваффақиятлар мени қувонтирди ва мен бу тўғрисида ҳинд газеталаримизга маълумият билан ҳикоя қилиб бераман.

А. К. Гупта 17 июльда Тошкентдан Сочига жўнаб кетди. (ЎзТАГ).



Суратда: Тошкент раёсмонларидан П. Мартаков (ўртада) ва П. Ган ўртоқлар Ҳукамент қишлоғида этюд чизмоқдалар.

О. Апухтин фотоси.

Тематик кечалар

Яқинда Комсомол қўлида «Марказий ва Шарқий Осиёдаги бизга дўст мамлакатлар — Ҳиндистон, Афғонистон» деган темада кеча ўтказилди. Кечгача Фрунзе, Октябрь район маҳаллаларидан бир неча юзлаб кишилар келди. Улар Ю. Басиевнинг Ҳиндистон ва Афғонистон ҳақидаги лекциясини мароқ билан тингладилар. Лекциядан сўнг ана шу темада доир ҳужжатли фильм кўрсатилди.

Аҳолининг талабига мувофиқ парда ана шундай тематик кечалар ҳамда рес-

публика донгдор кишилари билан учрашулар тез-тез уюштириб турилади.

Профессорлардан И. Мўминов, В. Зоҳидов ўртоқлар Покистон ва Ҳиндистоннинг экономикаси, бой маданияти ҳақида сўзлаб берадилар. Ҳозир парда араб мамлакатлари ва Хитой Халқ Республикасига бағишланган кеча ўтказиш учун тайёргарлик кўришмоқда. Шаҳар маданият бошқармаси маданият ва истироҳат бонгарида меҳнаткашларнинг олимлар ва спорт мастерлари билан учрашув кечаларини ҳам тез-тез ўтказиб турибди.

Республика биринчилиги учун

Ўтган дам олиш кўни Тошкентдаги «Спартак» стадионида 1956 йил бўйича республика биринчилиги учун ўтказилган футбол мусобақаларининг якунлови ўйини бўлиб ўтди. Бунда округ офицерлар уйи футболчилари билан «Машинистроитель» командаси учрашди.

Ҳинд журналисти Ўзбекистондан жўнаб кетиш олдида ЎзТАГ мухбирига матбуот учун қуйидаги баёнотни қилди.

— Менда Ўзбекистонни кўриш истаги аллақачондан бери бор эди. — деди А. К. Гупта. — Бу истагим рўйга чиққанлигидан жуда хурсандим. Жуда қадимги вақтлардан бери мамлакатларимиз ўртасида яқин алоқа бўлган. Урта Осиёда чор самодержавиясининг ва Ҳиндистонда Британия мугамлакачилигининг ҳуқуқдорлик қилганини шунга сабаб бўлдики, ана шу қадимги алоқа бўшашиш қолди ва қардошлар бир-бирини унутиб қолди. Лекин эндиликда, Совет Иттифоқида социалистик тузум таъинлаш қилган ва Ҳиндистон мустақиллиги олган бир вақтда халқларимиз яна бир-бирлари билан алоқа қилиб туриш имкониятига эга бўлишди. Ҳеч шубҳа йўқки, бу алоқа инсоният манфаатларини кўлаб мустаҳкамлашда ва ривожлантиришда боради.

Ўзбекистонда қисқа вақт бўлганимга қарамай, — деди сўнгра А. К. Гупта, — мен кўп нарсаларни кўрдим. Республиканинг да саноатини, қишлоқ хўжалигини ва маданиятини ривожлантиришда аришланган гоят қатъий муваффақиятлар мени қувонтирди ва мен бу тўғрисида ҳинд газеталаримизга маълумият билан ҳикоя қилиб бераман.

А. К. Гупта 17 июльда Тошкентдан Сочига жўнаб кетди. (ЎзТАГ).

Уллевский фотоси. Польша Марказий фотоагентлиги.

СССР Халқлари спартакиадаси олдида

15 июльда Максим Горький номи паркда СССР халқлари спартакиадаси олдида бошланган оммавий шахмат мусобақаси тугалди. Мусобақада Қорақалпоғистон АССР ва Тошкент, Самарқанд, Андижон, Наманган областларининг энг уста шахматчиларидан 30 аркак ва 16 хотин-қиз иштирок этди.

Этти кун давом этган шахмат мусобақаларида мастериқка кандидат А. Грушевский 5,5 очкога эга бўлиб, Ўзбекистон чемпионлиги қосими олади. Мастериқка кандидатлардан Б. Мухин (Тошкент) 5,5 очко билан иккинчи ўринни, И. Назаров (Андижон) 5 очко билан учинчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлишди. Булар СССР халқлари спартакиадасига қатнашиш ҳуқуқини олдилар.

Хотин-қизлар ўртасида бўлган шахмат мусобақасида Ўзбекистон ССР Маҳаллий ва қилми саноати министридан ишловчи А. Грушевский 5,5 очкога эга бўлиб, голди чиқди. К. Сивастер (Тошкент) учинчи ўринни олишти эришди. Булар Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Физкультура ва спорт қосимети томонидан қиммат баҳо соғна ҳамда дипломлар билан мукофотландилар ва СССР халқлари спартакиадасида иштирок этиш ҳуқуқига ҳам эга бўлишди.

роқ (Андижон) 5 очко билан учинчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлишди. Булар СССР халқлари спартакиадасига қатнашиш ҳуқуқини олдилар.

Хотин-қизлар ўртасида бўлган шахмат мусобақасида Ўзбекистон ССР Маҳаллий ва қилми саноати министридан ишловчи А. Грушевский 5,5 очкога эга бўлиб, голди чиқди. К. Сивастер (Тошкент) учинчи ўринни олишти эришди. Булар Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Физкультура ва спорт қосимети томонидан қиммат баҳо соғна ҳамда дипломлар билан мукофотландилар ва СССР халқлари спартакиадасида иштирок этиш ҳуқуқига ҳам эга бўлишди.

А. АЛИЕВ.

Редактор З. ЕСЕНБОВЕВ.

ТЕАТРЛАРДА:

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 18/VI да Фауст, 19/VI да Лайла ва Мажнун.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 19/VI да қишқин бинода — кундуз Сурмадон, кечқурун концерт, ёғин бинода — янги спектакль Зафар.

ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«РОДИНА» — кундуз янги Австрия кинокомедияси Қизим Венада яшайди, соат 12 ва 4 да Қизимнинг соғна, кеч соат 8 ва 10 да Водида олмуш.

«ИСКРА». «ЎЗБЕКИСТОН» — кундуз Қизим Венада яшайди, кечқурун Қизимнинг соғна.

«ЕШ ГВАРДИЯ» — ерталаб соат 10 да Солик дўстлар, кундуз ва кечқурун Қизимнинг соғна.

ЕЗГИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«БАТАН». «ИСКРА». «ХИВА». «УДАРИН» — Қизим Венада яшайди. «ИСКРА» (Кафанов номи парк) — Еввойн Бара.

ПУШКИН НОМЛИ ПАРКДА

19, 20, 21, 22 июльда Ўзбек давлат эстрадаси

ШОДЛИК КЕЧАЛАРИ

ЎТКАЗАДИ

Очиқ эстрадада

КОНЦЕРТ

Ўзбекистон халқ ҳофизини Ортиқ-хўжа Имомхўжаев, Ўзбекистон ССР халқ артисти Қорн Екубов, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар Эргашон Мирмахмудов, Убайдулла Мадрасхон, Комилжон Жабборов, эстрада солистлари ва «Баҳор» хотин-қизлар раёс ансамбли қатнашади.

Т. ХАЙДАРОВ.

Меҳнат фахлари кандидати.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ. Тошкент. «Правда Востока» кўчаси № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутор — 36334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 136. Пропаганда бўлими — 136. Совет курилиш бўлими — 132. Маданият бўлими — 132. Адабиёт ва санъат бўлими — 39040, Қишлоқ хўжалиги бўлими — 135. Савоат ва транспорт бўлими — 132. Хатлар бўлими — 34048. Маҳаллий ахборот бўлими 135. Секретариат — 34048. Эълонлар бўлими — 38142.

Р07705.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон сурх» бирлашган нашриётининг босмаҳоваси.

Нашр. № 1481.